



Bilim – taraqqiyot negizi

Agroном

TOSHKENT DAVLAT AGRAR UNIVERSITETI GAZETASI

Gazeta 1956 yildan
chiqa boshlagan

2012 yil 5-6 (707-708)

ЮРТ ИСТИҚБОЛИ - ЁШЛАР ҚУЛИДА



Ёшлик – бебаҳо
неъмат!

Ёшлик – инсон
умрининг энг
жўшқин палласи.

Бу пайтда унинг
босилган эзгу
мақсадли ҳар бир
қадами ва қилган
амали келгусида
ҳаётда муносиб ўз
ўрнини топиб
олишга мустаҳкам
пойдевор бўлади.



Bilim - taraqqiyot negizi

Тошкент давлат аграр университети 2012–2013 ўқув йили учун давлат гранти ва тўлов – шартнома асосида қуйидаги йўналишларга қабул эълон қилади:

Бакалаврият

- * – Касб таълим: (йўналишлар бўйича)
Касб таълим: агрономия
Касб таълим: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш
Касб таълим: қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш
- * – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
- * – Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
- * – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)
- * – Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш
- * – Агрокимё ва агротупроқшунослик
- * – Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича)
- * – Ўсимликлар ҳимояси ва карантин
- * – Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги
- * – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва уларни дастлабки ишлаш технологияси
- * – Зоотехния (турлари бўйича)
- * – Ўрмончилик ва аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш
- * – Ипакчилик
- * – Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш.



- * – Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича)
- * – Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш ва уларнинг селекцияси (ҳайвонлар турлари бўйича)
- * – Ипакчилик
- * – Сабзавотчилик ва полизчилик
- * – Мевачилик
- * – Узумчилик ва уни дастлабки қайта ишлаш
- * – Картошқачилик
- * – Мева-сабзавотчиликда биотехнология
- * – Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш
- * – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш жиҳозларига техник сервис хизматини кўрсатиш, автоматлаштириш ва улардан фойдаланиш
- * – Агросаноат мажмуи электротехник ускуналари ва электр таъминоти.

Магистратура

- * – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
- * – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
- * – Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
- * – Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар бўйича)
- * – Метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш (тармоқлар бўйича)
- * – Агротупроқшунослик (соҳалар бўйича)
- * – Агрокимё
- * – Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш
- * – Агрономия
- * – Ўсимликшунослик (экинлар гуруҳи бўйича)
- * – Доривор ўсимликлар етиштириш ва бирламчи қайта ишлаш технологияси
- * – Ўсимликлар ҳимояси (усуллар бўйича)
- * – Энтомология
- * – Фитопатология
- * – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳлари бўйича)

Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кчаси, 2–уй.
Телефон: (8–371) 260–48–00; 260–38–60.
Веб-сайт: www.agrar.uz

«AGRONOM»

Муассаси:
Тошкент
давлат
аграр
университети

Gazeta Toshkent
viloyati hokimi
Matbuot
boshqarmasi
tomonidan
19. 11. 2010 y.
03-068 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir
Ortiqboy Xudoyberdiyev

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Gazeta PENTIUM IV kompyuterida saqlanib, 1000 nusxada bosildi.
ToShDAU tahririyat-nashriyat b'limida 1000 nusxada bosildi.



ТошДАУ, агрокимё биноси,
1-қават. Тел.: (97) 456-67-23

Iqtidorlilar minbari

КЛОНЛАР – КИМЛАР?

1997 йилда дунёда биринчи марта Долли лақабли қўйни клонлашга эришилган вақтда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўтказилган сўровномаларида клонлаш одамларда ўтказилса нима бўлади, деган масалага нисбатан турлича қарашлар келиб чиққанлигини кўрсатди. Улар қуйидагича эди:

– клонлашга йўл қўйиш мумкин эмас, чунки ҳар бир инсон бу – яратганнинг мўжизаси;

– бунга йўл қўйиб бўлмайди, чунки унинг натижасида "юқори" ва "паст" табақали одамларни атайин ҳосил қилинишига олиб келади;

– бунга йўл қўйиб бўлмайди, чунки бу оила ришталарининг узилиши ва жамиятдаги муносабатларнинг издан чиқишига олиб келади;

– уни фақат тиббиёт мақсадларида амалга оширса бўлади, масалан фарзандсизликда;

– бунга йўл бериш лозим, чунки жисмонан ва ақлан соғлом, ўта иқтидорли одамларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли пайдо бўлади;

– бунга йўл бериш лозим, чунки ҳар бир одамда ўз "нусхаси"ни яратиш имкони пайдо бўлади;

– бунга қаршилик қилиш лозим, чунки қаердадир сенинг "нусханг" яшаётганлигини билиш қўрқинчли ва шунга ўхшаш бошқа фикрлар эди.

Умуман олганда, клон ким?

Клон – кўпчилик ўйлагани каби мавжудот эмас. Биринчидан, клоннинг ёши донорнинг ёши билан умуман тўғри келмайди. Аввал уни худди бошқа болалар сингари тўққиз ой ҳомила сифатида кўтариб юриш лозим. У ҳам бошқа чақалоқларга ўхшаб ожиз, тишсиз туғилиб ўсади, ривожланади. Донорни ёшига етгунига қадар маълум йиллар ўтади ва донор билан клон ўртасида бир неча ўн йиллик фарқ юзага келади.

Иккинчидан, клон матрица (қолип)ни такрорлай олмайди. Унинг тақдири мутлақо бошқача бўлиши, у умуман бошқа воқеалар мавжуд бўлган муҳитда шаклланиши мумкин. Клон ва матрица – битта нарса эмас. Клон оддий одам сингари турли инфекцион касалликлардан батамом ҳимояланмаган.



Сафаров Муртоза 1987 йилда Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманида зиёлилар оиласида туғилган. Ҳозир Селекция, уруғчилик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш факультети "Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва карантин" йўналиши бўйича 3-босқичда таҳсил олмоқда.

Учинчидан, клон ва матрица бир – бирига тўлиқ мос келиши мумкин эмас. Масалан, қўл бармоқларининг изи клон ва донор одамда мос келмаслиги мумкин. Клон "донори" бошидан кечирган воқеа ходисаларни эслай олмаслиги мумкин.

Тўртинчидан, клонланган одамни дунёга келтириш учун она (аёл) керакки, у клонни кўтариб юради. Ҳозирга қадар "бачадон" вазифасини бажарадиган махсус қурилмалар яратилгани йўқ, шунинг учун клон табиий усулда дунёга келади. Битта аёл бир вақтнинг ўзида бир неча клонга "оналик" қила олмайди. Бу муолажа жуда қиммат бўлиши билан бирга, ўз яқинини йўқотиб, унинг нусхасини олишни хоҳловчилар сони жуда кам. Шунинг учун клонланган болаларга нисбатан оддий болалар сони жуда кўп бўлади.

Бешинчидан, генофонднинг сиқиб чиқарилишига ҳеч қандай асос йўқ. Клонлар ҳеч қачон табиий йўлда туғилган болалар ўрнини боса олмайди. Клон ташқи кўриниши, характери, интеллектуал қобилияти билан фарқ қилмайди. "Демак клон, оддий туғилган одамга нисбатан нимаси билан фарқ қилади? Фақат уруғлантириш усули, яъни уруғланмаган тана хужайрасидан пайдо бўлганлиги билангина фарқ қилади, бу эса ўта катта аҳамиятга эга эмас", деган фикр билдиради Дяттерев.Н.Д. "Клонирование и вымесел" номли китобида.

Хулоса шуки, дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўтказилган сўровномаларида клонлаш одамларда ўтказилса нима бўлади, деган масалага нисбатан турлича қарашлар клонлашга йўл қўйиш мумкин эмас, чунки ҳар бир инсон бу – яратганнинг мўжизаси деб қатъий фикр билдирдилар.

Муртоза САФАРОВ